

2022 йил учун ОБУНА ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш

2022 йил 2 02

Устав асосида иш юритувчи шартнома матнида «Бажарувчи» деб юритилувчи «Тезкор матбуот почтаси» масъулияти чекланган жамияти номидан директор Р.Гумчиев бир томондан ва УЎСВ асосида иш юритувчи шартнома матнида «Обуначи» деб юритилувчи Чилонзор ХТБ номидан Ш.Соғдиқович иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Бажарувчи» «Обуначи»га 2022 йил учун обуна уюштириш ва «Обуначи»нинг юридик манзилига етказиб бериш, «Обуначи» нашрлар кийматини олдиндан тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Нашрлар тури, сони ва нархи, шунингдек, обуна муддати мазкур шартнома иловасидаги Буюртма-спецификацияда келтирилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Обуначи» нашрлар ўз вақтида етказиб берилишини, нашрлар Буюртма-спецификацияга мувофиқ бўлишини, шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини «Бажарувчи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

2.2. «Обуначи», нашрлар учун ушбу шартномани 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш, шартнома ва Буюртма-спецификацияни бир нусхасини «Бажарувчи»га қайтариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.3. «Бажарувчи» нашрлар учун олдиндан ҳақ тўлашини, етказиб берилган нашрларни қабул қилиб олиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини «Обуначи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

2.4. «Бажарувчи» тўловдан сўнг М1-1 шаклидаги квитанциялар ёниб бериш, нашрларни ўз муддатида ва миқдорларда етказиб бериш, нашрлар етказиб берилмаганлиги оқибатида «Обуначи»га етказилган зарарни тўлаб бериш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси 199 915 290 сўми (КҚС билан) ташкил этади. Расмийлаштирилган обуна баҳоси «Бажарувчи»тамонидан тақдим этилган мазкур шартнома иловасидаги Буюртма-спецификацияда батафсил кўрсатилган.

3.2. «Обуначи» нашрлар туркуми суммасининг 100 (юз) фоизи миқдорда «Бажарувчи»га олдиндан ҳақ тўлайди. Мазкур шартномада келишилган барча хизматлар бажарилганидан сўнг, томонлар ўртасида етказиб берилган обуна нашрлари учун ҳисобоварак-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси имзоланади.

3.3. Тўлов банкдан пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз тартибда) Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. «Бажарувчи» Обуна нашрларини тўлик ўз вақтида обуначи тақдим қилган манзилга етказиб беришга маъсулдир.

4.2. Обуначи» обуна тўловини «Бажарувчи»га мазкур шартномада келишилган муддатда ўз вақтида амалга ошириш, тўлов амалга ошмаган тақдирда обуна суммасининг 50% фоиздан ошмаган миқдорда, ҳар бир кечиккан кун учун 0.5% фоизи миқдорда «Бажарувчи»га пеня тўлайди.

5. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

5.1. Томонлар уларнинг аффилиган (ўзвара боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларинг бузилишига олиб келадиган ва ёки қаруспия характерида ега бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вада қилиш, тамағирьлик, пора олишга бевоқиф ёки билвосита рози бўлиш хати ҳаракатлари ҳаракатсизликларни содир этмайдилар.

Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзвара боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиларини қандайдир тарзда рағбатлаштиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бепараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хати ҳаракатларни ҳаракатсизлар бажарилишини тамилашга қаратилган ишларни бажаришдан воқе кечадилар деб маълум қиладилар.

5.2. Томонда ушбу шартноманинг 6.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзига келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томони хабардор қилиш. Қаруспия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг вад еттиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлган ҳолда еса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар мазкур шартномада ўрнатилган тартибдан келиб чиқиб мустақил равишда, уларни судгача узаро келишув йўли билан ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Келишмовчилик ва низоли масалаларни ўзаро келишув йўли билан ҳал этишга эришилмаган тақдирда томонлар низоли ҳал этиш учун беvosита Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат килиш орқали амалга оширади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқадиган, шунингдек, томонлар олдиндан кўра билиши ёки олдини олиши мумкин бўлмаган фавқулодда ҳолатлар (суб тошқини, зилзила, табиий офатлар, Томонларнинг фаолиятига доир Ҳукуматнинг тақикловчи қарор, қонун ёки фармойишлари чиқиши, шунингдек, шартнома Томонларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган тарзда мажбуриятларини бажара олмасликлари) форс-мажор ҳолатлар саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаедиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқиши узрли деб ҳисобланади.

7.2. Форс-мажор ҳолатида бўлган томон бошқа томонни бу ҳақда 24 соат ичида хабардор қилиши шарт.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартнома бажарилганини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонуи ҳужжатларда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва томонларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

8.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги газначилигидан рўйхатга олинган кундан қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9. БАЖАРУВЧИНИНГ ИШ ВАҚТИ, ТАРТИБИ

9.1. Иш куни ҳафтада 5 кун (шанба ва яқшанбадан ташқари). Иш вақти 9-00дан 18-00га қадар. Тушлик 13-00дан 14-00гача.

10. ТОМОНЛАРИНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“БАЖАРУВЧИ”

“ОБУНАЧИ”

«TEZKOR MATBUOT POCHTASI»

масъулияти чекланган жамияти

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси 32 уй.

Х/р: 20 20 80 00 90 54 45 79 10 01.

«Ўзсанотқурилишбанк» АТБ Марказий

Амалиёт минтакавий филиали, МФО 00442

ИНН 308932875, ОКЕД:53200,

ҚҚС руйхатдан утиш коди:

Телефон/факс:233-56-86, 233-53-

Директор

Р.Гуччи



Маълумот: 100022 8602 67 94 70 92/000750 50

Чилонзор туман Халқ таълими бўлими
Чилонзор туман газначилиги
100022860262947096100075011
Х/р Марказий банк Тошкент ш. Б.Б. ХҚҚМ МФО 00014 ИНН 308794376
БАНК: Чилонзор туман Газначилик бўлими
МФО: 23402008300100001010
ОГОНХ: ИНН 201122919

Тел:

Обуначи раҳбари

Сотворчиёв



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TEZKOR MATBUOT POCHTASI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Fundak shaxsning — tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TEZKOR MATBUOT POCHTASI" MChJ

(Fundak shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

ASLIGA TO'G'RI
 15.10.2022

(Sana, oy (soz bilan), yil)

1048128

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.



Shaxs to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308932875

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Toshkent shahri, Mirobod tumani, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32 UY.

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



